

Ўлчаш воситаларини метрологик аттестациядан ўтказиш ҚОИДАЛАРИ

Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг “Метрология тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, давлат метрология текшируви ва назорати татбиқ этиладиган доираларда фойдаланиладиган ўлчаш воситаларини (бундан буён матнда ЎВ деб юритилади), шу жумладан моддалар ва материаллар таркиби ҳамда хоссаларининг стандарт намуналарини (бундан буён матнда СН деб юритилади) метрологик аттестациядан ўтказиш қоидаларини белгилайди.

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ариза берувчи – ЎВ ва СН метрологик аттестациядан ўтказишга талабгор юридик ёки жисмоний шахс;

давлат метрология хизмати – “Ўзстандарт” агентлиги бошчилик қиладиган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги давлат метрология хизмати органлари;

метрологик аттестациядан ўтказиш дастури (бундан буён матнда МАД деб юритилади) – аттестациядан ўтказиш бўйича ишларнинг ҳажмини, турлари ва бажариш кетма-кетлигини, ҳисобот маълумотларининг тақдим қилиш шакллариини белгиловчи ҳужжат;

метрологик хизмати – давлат органлари ва юридик шахсларнинг метрология хизматлари тармоғи ҳамда уларнинг ўлчовлар ягона бирликда бўлишини таъминлашга қаратилган фаолияти;

метрологик экспертиза қилиш – ҳужжатларда ўлчаш учун мўлжалланган параметрларни танлаш, ўлчашларнинг аниқлик меъёрларини белгилаш ва ўлчаш усуллари ва воситалари билан таъминлаш ҳақидаги техник қарорларни таҳлил қилиш ва баҳолаш.

стандарт намуна – битта ва ундан кўп катталикларнинг метрологик аттестациядан ўтказиш натижасида аниқланган, шу модда (материал) таркиб ёки хоссасини тавсифлайдиган қийматларига эга модда (материал) кўринишидаги ўлчаш воситаси;

стандарт намунаини метрологик аттестациядан ўтказиш – стандарт намунаининг ҳақиқий тавсифларини аниқлаш мақсадида тадқиқ этиш;

ўлчаш воситаси – ўлчашлар учун фойдаланиладиган ва нормаланган метрологик хусусиятга эга бўлган техника воситаси;

Ўлчаш воситаларини метрологик аттестациядан ўтказиш – ягона намуналарда ишлаб чиқариладиган (ёки Ўзбекистон ҳудудига ягона намуналарда олиб кириладиган) ўлчаш воситаларининг хоссаларини синчиклаб тадқиқ этиш асосида улар қўлланиш учун ҳаққоний эканлигининг метрологик хизмати томонидан эътироф этилиши;

Ўлчаш воситасининг ягона нусхаси – ягона нусхада ишлаб чиқилган, тайёрланган ёки импорт бўйича олиб келинган ўлчаш воситаси;

2. Давлат метрология текшируви ва назорати татбиқ этиладиган доираларда фойдаланиладиган, ягона намуналарда ишлаб чиқарилиши ва импорт бўйича четдан олиб келиниши лозим бўлган ЎВ ва СН метрологик аттестациядан ўтказилиши лозим.

3. Ягона нусхадан ортиқ миқдорда бўлган бир хил типдаги ЎВ ва СН ариза берувчининг хошишига кўра метрологик аттестациядан ўтказилиши мумкин. Бунда ЎВ ва СН ҳар бир нусхаси метрологик аттестациядан ўтказилиши керак.

4. ЎВни метрологик аттестациядан ўтказиш техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ бўлган давлат метрология хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

5. СНни метрологик аттестациядан ўтказиш техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ бўлган давлат метрология хизмати органлари ва метрологик хизматлар томонидан амалга оширилади.

6. ЎВ ва СНларни метрологик аттестациядан ўтказиш техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ёки ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлашга оид норматив ҳужжатларга мувофиқ метрологик текширувидан ўтган ўлчаш ва синаш воситалари ёрдамида амалга оширилади.

7. ЎВ ва СНларни метрологик аттестациядан ўтказиш учун тузилган шартномага мувофиқ тўлов Ариза берувчи томонидан амалга оширилади.

2-БОБ. ЎЛЧАШ ВОСИТАЛАРИ ВА СТАНДАРТ НАМУНАЛАРИНИ МЕТРОЛОГИК АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ БОСҚИЧЛАРИ

8. ЎВ ва СНни метрологик аттестациядан ўтказиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

ушбу Қоидаларнинг 1-иловасига мувофиқ шакл бўйича Ариза тақдим этиш;

аризани кўриб чиқиш;

метрологик аттестациядан ўтказиш учун шартнома тузиш;

Аризага мувофиқ тақдим этилган ҳужжатларни экспертиза қилиш ёки ишлаб чиқиш – ЎВ учун;

метрологик аттестациядан ўтказиш;

метрологик аттестация ҳужжатларини экспертиза қилиш – СН учун;

ЎВ ва СНни давлат реестрида рўйхатга олиш ва метрологик аттестациядан ўтказиш сертификатни расмийлаштириш.

9. ЎВ ва СН метрологик аттестациядан ўтказишнинг ҳар бир навбатдаги босқичи олдинги босқичнинг натижалари ижобий бўлган тақдирда бажарилади.

10. Хоссаларининг ўрганилиши ЎВни йиғиш, созлаш, синаш ва ўлчамига етказишни бажаришни талаб қиладиган ЎВ метрологик аттестациядан шу ишлар бажарилгандан сўнг ўтказилади.

3-БОБ. ЎЛЧАШ ВОСИТАЛАРИ ВА СТАНДАРТ НАМУНАЛАРИНИ МЕТРОЛОГИК АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ УЧУН МЕТРОЛОГИК ХИЗМАТИГА ТОПШИРИШ

11. Ариза берувчи ЎВ ва СНни метрологик аттестациядан ўтказиш учун метрологик хизматига ушбу Қоидаларнинг 1-иловасига мувофиқ шакл бўйича Ариза тақдим этади.

12. ЎВ ва СНни метрологик аттестациядан ўтказиш учун Аризага қўйидаги ҳужжатлар ва маълумотлар илова қилинади:

а) ЎВ, СН ва уларнинг эксплуатацион ҳужжатлари;

б) МАД лойиҳаси;

в) ЎВ ва СНни ишлаб чиқиш бўйича техник ҳужжат.

13. ЎВни қиёслаш услугиёти акс эттирилган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган норматив ҳужжат мавжуд бўлмаган тақдирда ариза берувчи томонидан аризага илова қилинган ҳолда ЎВни қиёслаш услугиёти лойиҳаси тақдим этилади.

14. Ариза берувчининг буюртмасига биноан МАД ва қиёслаш услугиёти давлат метрология хизмати органлари томонидан ишлаб чиқилиши мумкин. Бунда МАД ва қиёслаш услугиёти ариза берувчи билан келишилиши лозим.

15. Ариза берувчи ўз хоҳишига кўра ЎВ ва СН метрологик аттестациядан ўтказишга тааллуқли қўшимча ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этиши мумкин.

16. ЎВ ва СН метрологик аттестациядан ўтказиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар ва маълумотлар давлат тилида ёки рус тилида бўлиши керак. Агар улар бошқа тилларда баён қилинган бўлса, у ҳолда ҳужжатларга ишончилиги учун ариза берувчи жавоб берадиган айнан ўхшаш таржима илова қилинади.

4-БОБ. ЎЛЧАШ ВОСИТАЛАРИНИ МЕТРОЛОГИК АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ

17. Ариза берувчи ушбу Қоидаларнинг 1-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ ЎВни метрологик аттестациядан ўтказиш бўйича аризани давлат метрология хизмати органига тақдим этади ва унга ушбу Қоидаларнинг 12-13-бандларида кўрсатилган ҳужжатлар ва маълумотларни илова қилади.

18. Давлат метрология хизмати органи аризани 1 иш куни мобайнида кўриб чиқади ва ариза берувчи билан ЎВни метрологик аттестациядан ўтказиш учун шартнома тузади ёки метрологик аттестациядан ўтказиш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда ариза берувчига рад жавобини беради.

19. Давлат метрология хизмати органи ЎВни метрологик аттестациядан ўтказиш учун тузилган шартномага мувофиқ тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 5 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда ариза берувчи томонидан тақдим этилган МАД ва қиёслаш услуги лойиҳаларини экспертиза қилишни таъминлайди. Экспертиза натижалари хулоса билан расмийлаштирилади.

20. Экспертиза натижалари салбий бўлган тақдирда давлат метрология хизмати органи 3 иш куни мобайнида ариза берувчига асосланган сабабларини кўрсатган ҳолда ёзма билдиришнома юборади. Бунда ариза берувчига кўрсатилган камчиликларни 20 иш куни мобайнида бартараф этиш ва ҳужжатларни такрорий кўриб чиқиш учун тақдим этиш имконияти берилади.

21. Давлат метрология хизмати органининг билдиришномасида кўрсатилган камчиликлар ариза берувчи томонидан бартараф этилган тақдирда ҳужжатларни такрорий кўриб чиқиш камчиликларнинг бартараф этилганини тасдиқловчи ҳужжатлар ариза берувчи томонидан тақдим этилган кундан бошлаб 5 иш кунидан ошмайдиган муддатда амалга оширилади. Ҳужжатларни такрорий кўриб чиқилганлиги учун тўлов ундирилмайди.

Белгиланган муддат тугагандан кейин берилган ҳужжатлар янгидан берилган ариза ҳисобланади.

22. Такрорий экспертиза натижаси салбий бўлган тақдирда давлат метрология хизмати органи ариза берувчининг ҳужжатларидаги камчиликлар бартараф этилмаганлиги сабабли ЎВни метрологик аттестациядан ўтказишни рад этилгани тўғрисида 3 иш куни мобайнида хабардор қилади.

23. Ариза берувчи давлат метрология хизмати органига МАД ва қиёслаш услугиетини ишлаб чиқиш бўйича буюртма берган тақдирда, ҳужжатлар давлат метрология хизмати органи томонидан ЎВни метрологик аттестациядан ўтказиш учун тузилган шартномага мувофиқ тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 10 иш куни мобайнида ишлаб чиқилади.

24. Бир турдаги ЎВни метрологик аттестациядан ўтказиш давлат метрология хизмати органи томонидан тасдиқланган намунали МАД бўйича ўтказилиши мумкин.

25. Давлат метрология хизмати органи МАДга асосан 15 иш кунидан ошмайдиган муддатда ЎВнинг хоссаларини синчиклаб тадқиқ этади ва натижаларни метрологик аттестациядан ўтказиш баённомасида ҳамда далолатномада расмийлаштиради.

26. ЎВни метрологик аттестациядан ўтказишда МАД, баённома ва далолатнома шакли ва мазмунига қўйилган талаблар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланади.

5-БОБ. СТАНДАРТ НАМУНАЛАРИНИ МЕТРОЛОГИК АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ

27. Ариза берувчи ушбу Қоидаларнинг 1-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ СНни метрологик аттестациядан ўтказиш бўйича аризани метрологик хизматига тақдим

этади ва унга ушбу Қоидаларнинг 11-бандида кўрсатилган ҳужжатлар ва маълумотларни илова қилади.

28. Метрологик хизмати аризани 5 иш куни мобайнида кўриб чиқади ва натижа ижобий бўлган тақдирда ариза берувчи билан СНни метрологик аттестациядан ўтказиш учун шартнома тузади ёки метрологик аттестациядан ўтказиш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда ариза берувчига рад жавобини беради.

29. Метрологик хизмати МАДда кўзда тутилган муддатларда зарур экспериментал ва назарий тадқиқотлар ўтказиши ва метрологик экспертиза ўтказиш учун ҳужжатларни давлат метрология хизмати органига тақдим этади.

30. Давлат метрология хизмати органи тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 10 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда СН ҳужжатларининг метрологик экспертизасини ўтказиши.

31. СН ҳужжатларининг метрологик экспертизаси натижалари ижобий бўлган тақдирда, давлат метрология хизмати органи мазкур Қоидаларнинг 2-иловасига мувофиқ СН паспортини расмийлаштиради.

32. СН ҳужжатларининг метрологик экспертизаси натижалари салбий бўлган тақдирда давлат метрология хизмати органи номувофиқликлар сабабини кўрсатган ҳолда 1 иш куни мобайнида далолатнома расмийлаштиради ва метрологик хизматга тақдим этади.

6-БОБ. ЎЛЧАШ ВОСИТАЛАРИ ВА СТАНДАРТ НАМУНАЛАРИНИ МЕТРОЛОГИК АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ НАТИЖАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

33. ЎВнинг хоссаларини синчиклаб тадқиқ этиш натижалари ва СНнинг ҳужжатлари метрологик экспертиза қилиш натижалари ижобий бўлган тақдирда 3 иш куни мобайнида давлат метрология хизмати органи ариза берувчига мос равишда ушбу Қоидаларнинг 3, 4-иловаларига мувофиқ ЎВ ва СН метрологик аттестациядан ўтказиш сертификатини беради.

34. ЎВ ва СН метрологик аттестациядан ўтказиш сертификати бланкаси қатъий ҳисобда турадиган ҳужжат ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва химояланганлик даражасига эга бўлиб, “Давлат белгиси” давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босмаҳона усулида тайёрланади ва давлат метрология хизматлари органларига “Ўзстандарт” агентлиги томонидан берилади.

Давлат метрология хизматлари органлари сертификатлар бланкаларининг ҳисобга олиниши, сақланиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши учун маъсулдир.

35. ЎВ ва СН метрологик аттестациядан ўтказиш сертификати унга иловада ушбу Қоидаларнинг 5, 6-иловаларига мувофиқ, ЎВ ва СНнинг таърифлари расмийлаштирилади ва ЎВ ва СН давлат реестрида рўйхатга олинади.

36. ЎВнинг хоссаларини синчиклаб тадқиқ этиш натижалари салбий бўлган тақдирда давлат метрология хизмати органи ариза берувчига метрологик аттестациядан ўтказиш далолатномасини 1 иш куни мобайнида беради.

37. ЎВни метрологик аттестациядан ўтказиш сертификатининг амал қилиш муддати ЎВни қиёслашлараро интервалига мувофиқ белгиланади.

38. ЎВни метрологик аттестациядан ўтказиш сертификатининг амал қилиш муддати тугагандан сўнг ЎВ даврий қиёслашдан ўтказилади.

39. СН метрологик аттестациядан ўтказиш сертификатининг амал қилиш муддати – беш йил.

7-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

40. Метрологик аттестациядан ўтказиш ишларини бажаришда юзага келган келишмовчиликлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

41. Ушбу Қоидалар талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Ўлчаш воситаларини метрологик
аттестациядан ўтказиш
Қоидаларига
1 ИЛОВА

**Ўлчаш воситаларини ёки стандарт намуналарини метрологик
аттестациядан ўтказиш учун
АРИЗА**

Ариза берувчи _____

(ариза берувчи ёки унинг вакили номи, манзили,

телефон рақами, электрон почта манзили)

Сиздан _____

да ишлаб чиқарилган

(ЎВ ёки СНни ишлаб чиқарган (импорт қилинадиган ЎВ ёки СН
учун) давлат номи, ЎВ ёки СН ишлаб чиқарувчининг номи)

қуйидаги шароитларда ишлатиладиган _____

(температура, намлик, атмосфера босими ва х.к.)

(ЎВ ёки СН номи, тури, идентификацион (завод) рақами,

белгиланган мақсади ва мумкин бўлган қўлланилиш доираси)

қуйидаги метрологик тавсифларини аниқлаб беришингизни _____

(аниқланиши лозим бўлган

метрологик тавсифлар)

ва метрологик тавсифларни _____

(норматив ҳужжатларга ҳаволалар

ёки аниқ метрологик тавсифлар қийматлари)

талабларига мувофиқлигини аниқлаб беришингизни сўрайди.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

- 1.
- 2.
- 3.

.....

ЎВ ёки СН метрологик аттестациядан ўтказиш натижаси қандай чиқишидан қатъий назар метрологик аттестациядан ўтказиш бўйича тўловларни кафолатлайман.

Ариза берувчи _____

(имзо)

(фамилияси, инициали)

(сана)

Ўлчаш воситаларини метрологик
аттестациядан ўтказиш
Қоидаларига
2 ИЛОВА

Стандарт намуна ПАСПОРТИ

Ўлчаш воситалари
давлат реестрининг
белгиси

20__ йил “__” _____ гача
амал қилади.

1. Стандарт намуна номи _____

2. Белгиланган мақсади ва қўлланилиш доираси _____

3. _____ - сон стандарт намуна сертификатига мувофиқ ишлаб чиқарилади,

Амал қилиш муддати _____
(ой, йил)

4. Ишлаб чиқарувчи _____
(стандарт намуна ишлаб чиқарувчи номи)

5. Меъёрланган метрологик тавсифлари

СН индекси ва таркиби	СНнинг аттестация қилинган метрологик тавсифлари	Катталиқнинг белгиланиши	СНнинг аттестация қилинган катталиги	СНнинг аттестация қилинган катталиги хатолиги (ноаниқлиги)*

* хатолиги (ноаниқлиги) $P=0,095$ эҳтимоллик даражасида кўрсатилади.

6. Стандарт намуна нусхасининг яроқлиқ муддати _____

7. Стандарт нумана тури ва тавсифи _____

8. Кузатувчанликнинг тасдиғи _____

9. Қўшимча маълумотлар _____

10. Қўллаш тартиби _____

11. Сақлаш ва ташиш шароитлари _____

12. Хавфсизлик талаблари _____
13. Тўлиқлиги _____
14. Стандарт намунанинг _____ - сон партиясини
ишлаб чиқарилган санаси 20__ йил “__” _____
15. Кафолат мажбуриятлари _____
16. Илова _____

Давлат метрология хизмати
органи раҳбари

(имзо)

(фамилияси, инициали)

Ишлаб чиқарувчининг раҳбари

(имзо)

(фамилияси, инициали)

Ўлчаш воситаларини метрологик
аттестациядан ўтказиш
Қоидаларига
3 ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎЛЧОВЛАР БИРЛИЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ ДАВЛАТ ТИЗИМИ

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги
(“Ўзстандарт” агентлиги)

(метрологик аттестациядан ўтказган давлат метрология хизмати органи номи)

_____ -сонли

Ўлчаш воситасини метрологик аттестациядан ўтказиш
СЕРТИФИКАТИ

Ўлчаш воситалари
давлат реестрининг
белгиси

XX XXXXXXXX
(хисобга олиш серияси ва
тартиб рақами)

20__ йил “__” _____ гача
амал қилади.

Ушбу сертификат _____

(метрологик аттестациядан ўтказиш Далолатномасининг рақами, санаси, ким томонидан

асосида

берилганлиги ёки метрологик аттестациядан ўтказиш сертификатини рақами, санаси,
сертификат берган давлат метрология хизмати органи номи)

_____ томонидан ишлаб чиқарилган,

(ўлчаш воситасини ишлаб чиқарувчи - ташкилот номи)

_____ талабларига

(норматив ҳужжат ёки аризага қилинган ҳавола)

мувофиқ _____

_____ томонидан тан олинган

(ўлчаш воситасини метрологик аттестациядан ўтказган давлат
метрология хизмати органи номи)

Ўлчаш воситаларини давлат реестрида _____ - сон билан рўйхатга олинган,

(ўлчаш воситасининг номи ва белгиланиши)

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллашга рухсат этилганлигини тасдиқлайди.

Ўлчаш воситасининг метрологик тавсифлари ушбу сертификатнинг ажралмас қисми
бўлган Таърифда келтирилган.

Ўлчаш воситасини навбатдаги қиёслаш _____ дан кечикмай ўтказилсин.

Давлат метрология хизмати
органи раҳбари

_____ (имзо)

_____ (фамилияси, инициали)

_____ (сана)

Ўлчаш воситаларини метрологик
аттестациядан ўтказиш
Қоидаларига
4 ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЎЛЧОВЛАР БИРЛИЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ ДАВЛАТ ТИЗИМИ

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги
(“Ўзстандарт” агентлиги)

(метрологик аттестациядан ўтказган давлат метрология хизмати органи номи)

_____ -сонли
стандарт намунани метрологик аттестациядан ўтказиш
СЕРТИФИКАТИ

Ўлчаш воситалари
давлат реестрининг
белгиси

XX XXXXXXXX
(ҳисобга олиш серияси ва
тартиб рақами)

20__ йил “__” _____ гача
амал қилади.

Ушбу сертификат _____
(стандарт намунани ишлаб чиқарувчи ташкилот номи)
_____ томонидан ишлаб чиқарилган (гайёрланган)

_____ (стандарт намунанинг номланиши ва белгиланиши)
_____ метрологик аттестациядан ўтказилганлигини тасдиқлайди.

Стандарт намуна тури _____ га мос
(норматив ҳужжатнинг белгиланиши)

Стандарт намуналари давлат реестрида _____ - сон билан рўйхатга олинган,
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллашга рухсат этилганлигини тасдиқлайди.

Стандарт намуна _____ асосида тасдиқланган.
(метрологик экспертиза натижаларига кўра)

Стандарт намунанинг Таърифи иловада келтирилган ва ушбу сертификатнинг ажралмас
қисми ҳисобланади.

Ушбу сертификатнинг амал қилиши _____
(стандарт намунанинг номланиши ва унинг белгиланиши)
_____ га тааллуқли.

_____ ёки стандарт намуна тўпининг идентификацион белгилари ва, зарур бўлса, тўп ҳажми)

Давлат метрология хизмати
органи раҳбари

_____ (имзо)

_____ (фамилияси, инициали)

_____ (сана)

Ўлчаш воситаларини метрологик
аттестациядан ўтказиш
Қоидаларига
5 ИЛОВА

**Ўлчаш воситаларининг давлат реестри учун
ЎЛЧАШ ВОСИТАСИНИНГ ТАЪРИФИ**

Ўлчаш воситалари
давлат реестрининг
белгиси

ТАСДИҚЛАЙМАН
Давлат метрология хизмати
органи раҳбари

_____ (имзо, фамилияси ва инициали)

<p>_____</p> <p>ЎВ номи ва белгиланиши</p> <p>_____</p>	<p>Ўлчаш воситалари давлат реестрига киритилди</p> <p>Рўйхатга олинган рақами _____</p>
---	---

_____ (стандартнинг рўйхат рақами, техник шартлар шифри, ишлаб чиқарувчи фирманинг техник

_____ топириғининг реквизитлари ёки техник ҳужжатлар белгиси кўрсатилади)

БЕЛГИЛАНГАН МАҚСАДИ ВА ҚЎЛЛАНИШ ДОИРАСИ

_____ (ЎВ белгиланган мақсади ва тахмин қилинган қўлланиш доираси кўрсатилади)

ТАЪРИФИ

_____ (ЎВ ишлаш принципи, таркиби ва конструкцион хоссалари таърифланади

_____ санкцияланмаган, киришдан пломбалаш схемаси

_____ ва тамға изларини босиш жойларининг белгиланиши)

АСОСИЙ ТЕХНИК ВА МЕТРОЛОГИК ТАВСИФЛАР

_____ (ЎВ асосий техник ва метрологик тавсифлари таърифланади)

ЎЛЧАШ ВОСИТАЛАРИ ДАВЛАТ РЕЕСТРИНИНГ БЕЛГИСИ

_____ (ЎВ давлат реестри белгисининг жойлашган жойи ва белгини қўйиш усули кўрсатилади)

БУТЛИЛИК

_____ (ЎВ отказиш бутлиги, таркибий қисмлар ёки элементларининг (зарур бўлганда) белгилари кўрсатилади)

НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАР

_____ (ЎВ мос бўлган норматив ҳужжатлар белгиланиши ва номи кўрсатилади,

_____ киёслаш услубиётининг белгиланиши ва номи кўрсатилади)

ХУЛОСА

(ЎВ меъёрий ва (ёки) техник ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги ҳақида хулоса келтирилади)

ЎВ метрологик аттестациядан ўтказган давлат метрология хизмати органининг номи

ва реквизитлари ва унинг аккредитацияланганлиги ҳақида маълумот кўрсатилади)

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ

(ЎВ ишлаб чиқарувчи корхона номи ва реквизитлари кўрсатилади)

АРИЗА БЕРУВЧИ

(Ариза берувчининг номи ва реквизитлари кўрсатилади)

Ўлчаш воситасини
аттестация қилган
давлат метрология хизмати
органи вакили

(имзо)

(фамилияси, инициали)

Ариза берувчи

(имзо)

(фамилияси, инициали)

Ўлчаш воситаларини метрологик
аттестациядан ўтказиш
Қоидаларига
6 ИЛОВА

Стандарт намунанинг давлат реестри учун СТАНДАРТ НАМУНАНИНГ ТАЪРИФИ

Ўлчаш воситалари
давлат реестрининг
белгиси

ТАСДИҚЛАЙМАН
Давлат метрология хизмати
органи раҳбари

(имзо, фамилияси ва инициали)

<p>СН номи ва белгиланиши</p>	<p>Стандарт намуналар давлат реестрига киритилди</p> <p>Рўйхатга олинган рақами _____</p>
-------------------------------	---

ҲУЖЖАТЛАР

(норматив ҳужжат белгиланиши кўрсатилади ёки техник топшириққа ҳавола берилади)

ЧИҚАРИЛИШ ШАКЛИ

(стандарт намуна чиқарилиш шакли кўрсатилади (ягона нусхада чиқарилади,
такрорий тўплар билан, сериявий чиқарилади)

ТЎП РАҚАМИ, ЧИҚАРИЛГАН САНА

(тўп рақами ва СН (тўп) чиқарилган сана кўрсатилади)

БЕЛГИЛАНГАН МАҚСАДИ ВА ҚЎЛЛАНИШ ДОИРАСИ

(стандарт намунанинг белгиланган мақсади ва тахмин қилинган қўлланиш доираси кўрсатилади)

ҚЎЛЛАНИШ СОҲАСИ

(стандарт намунанинг қўлланиши тахмин қилинаётган соҳа кўрсатилади)

ТАЪРИФИ

(стандарт намунанинг шакли, конструкцияси, ўлчамлари, агрегат ҳолати, норматив ҳужжат бўйича гуруҳи
ёки маркаси кўрсатилган ҳолда стандарт намуна материали (асоси), бутликда, ўрамда стандарт намуна
нусхаларининг сони таърифланади)

АСОСИЙ ТЕХНИК ВА МЕТРОЛОГИК ТАВСИФЛАР

(стандарт намунанинг асосий техник ва метрологик тавсифлари таърифланади)

НУСХАНИНГ ЯРОҚЛИЛИК МУДДАТИ

ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАР

(қўшимча тарзда зарур маълумотлар келтирилади)

НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАР

(стандарт намунанинг қўлланишини регламентлайдиган ўлчаш, таҳлил, синов усуллари, синг,

қиёслаш (калибрлаш) услубиётларининг норматив ҳужжатлари белгиланиши ва номлари келтирилади)

ИШЛАБ ЧИҚУВЧИ

(стандарт намунани ишлаб чиқарувчи корхона номи ва реквизитлари кўрсатилади)

ТАЙЁРЛОВЧИ

(стандарт намунани тайёрловчи корхона номи ва реквизитлари кўрсатилади)

ИМПОРТ ҚИЛУВЧИ

(импорт қилувчининг номи ва реквизитлари кўрсатилади)

Стандарт намунани
аттестация қилган
давлат метрология хизмати
органи вакили

(имзо)

(фамилияси, инициали)

Ариза берувчи

(имзо)

(фамилияси, инициали)